

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.San. 54.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

**ЭРГАШЕВА ГУЛЧЕХРА ТУРОБОВНА**

**ЧАНГ ЧОЛГУСИННИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА РИВОЖЛАНИШ  
ЖАРАЁНЛАРИ  
(чангсимон чолғулар мисолида)**

**17.00.02 – Мусиқа санъати**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по искусствоведению  
Content of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)  
on art history**

**Эргашева Гулчехра Туробовна**

Чанг чолғусининг генезиси ва ривожланиш жараёнлари  
(чангсимон чолғулар мисолида) .....3

**Эргашева Гулчехра Туробовна**

Генезис и процесс развития инструмента чанг  
(на примере чангообразных музыкальных инструментов) .....27

**Ergasheva Gulchekhra Turobovna**

The genesis and development process of musical instrument chang  
(example of changkind musical instruments) .....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD. 03/30.12.2019. San. 54.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

**ЭРГАШЕВА ГУЛЧЕХРА ТУРОБОВНА**

**ЧАНГ ЧОЛГУСИННИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА РИВОЖЛАНИШ  
ЖАРАЁНЛАРИ  
(чангсимон чолғулар мисолида)**

**17.00.02 – Муסיқа санъати**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/San41 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат консерваториясида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада [www.konservatoriya.uz](http://www.konservatoriya.uz). манзилига ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz). манзилига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Абдуллаев Рустамбек Самигович</b> санъатшунослик фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Низомов Аслиддин</b> санъатшунослик фанлари доктори, профессор
	<b>Қосимхўжаева Саида Батировна</b> санъатшунослик фанлари номзоди, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.San.54.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 239-46-53; факс: (99871) 244-53-20; E-pochta: [info@konservatoriya.uz](mailto:info@konservatoriya.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат консерваториясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100027, Тошкент, Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 239-46-53.

Диссертация автореферати 2020 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.Б.Ғофурбеков**  
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

**Ш.И.Айходжаева**  
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш котиби, санъатшунослик фанлари номзоди

**Р.Ю.Юнусов**  
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарураги.** Ҳозирги давр жаҳон мусиқа маданиятида асрлар давомида сайқалланиб келган ижро анъаналари ва мусиқа чолғуларининг тарихий аҳамиятини илмий-назарий, илмий-амалий тадқиқ этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. XX-XXI асрлар оралиғида турли халқлар миллий маданиятининг янги ғоялар билан бойитилиши, ижрочилик ва мусиқа чолғулари тараққиётининг чуқур идрок этилиши, санъат соҳасидаги муаммоларнинг юқори савияда ечилишига имкон яратади. Шу боис, миллий меросимиз бўлган мусиқа чолғуларини тадқиқ қилиш Ўзбекистон, шу жумладан, Марказий Осиё бадиий маданияти тарихи учун муҳим аҳамият касб этиб, кўплаб маданий-тарихий муаммоларга ойдинлик киритади.

Дунё санъатшунос олимларида Ўрта аср алломаларининг илмий меросига ва Марказий Осиё мусиқа чолғуларига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Мусиқа чолғулари муайян тарихий давр мусиқа маданиятини ёритишда ишончли далил бўлиб, Ўрта аср алломалари назарий масалаларни тушунтиришда айнан мусиқа чолғулари пардаларига мурожаат қилишлари бежиз эмас. Зеро, чолғулар товушқаторида рўй берган ўзгаришлар (пентатоника, диатоника, ўн етти товушқатор, температура қилинган ўн икки товушқатор) инсон мусиқий тафаккурининг инъикоси, амалий изланишлар натижаси бўлган. Мавжуд илмий тадқиқотларда чолғуларнинг шакли, ташқи тузилиши ва функционал вазифалари каби масалалар ўз аксини топган. Бироқ мусиқа чолғуларининг генезиси ва ривожланиш жараёнлари махсус тадқиқот даражасида ўрганилмаган. Шу жиҳатдан миллий меросимиз бўлган мусиқа чолғуларимизнинг ижтимоий аҳамияти, ифодавий имкониятлари, ижро анъаналари ва услубларини тадқиқ қилиш заруриятини изоҳлайди.

Мустақиллик йилларида миллий чолғуларимиз ва ижрочилик соҳасига эътибор кучайди. Кенг миқёсда ўтказилиб келинаётган халқаро фестивал ва кўрик-танловларда, халқаро илмий анжуманларда миллий чолғуларимиз ва ижро анъаналаримизни тарғиб қилиниши Ўзбекистон Республикасининг маданият ва санъат соҳаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. «Ўзбек халқининг миллий мусиқий мероси ва жаҳон мусиқа маданияти дурдоналари негизида мусиқа санъатини ривожлантириш, мусиқий таълим тизимини сифат жиҳатдан янада кўтариш»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада мусиқа чолғулари ва ижро анъаналарини замонавий илмий ёндашувлар ҳамда технология ва инновацион нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш ва эришилган натижаларни таълим тизимида жорий қилиш бугунги кун талаби бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4947-сон Фармони, 2017 йил 31 майдаги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. // Халқ сўзи. 2017 йил 9 август.

«Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3022-сон, 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3391-сон ва 2018 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3920-сон Қарорларида бой меросимизни чуқур ўрганиш ва янги ғоялар билан бойитиш, миллий мусиқа мақом санъатини илмий ва амалий тадқиқ қилиш; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш» 222-сон Давлат дастурида миллий чолғуларимизни асраб-авайлаш, уларни тадқиқ қилиш ва давр талабига мос такомиллаштириш вазифалари белгилаб берилган. Мазкур тадқиқот белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон мусиқа маданиятини, хусусан мусиқа чолғулари ва чолғу мусиқасини динамик суръатда ривожланаётган тарихий-бадиий феномен сифатида ўрганиш қатор тадқиқот ва илмий мақолаларда, фестиваль материалларида ифода этилган. Ўзбекистондаги Швейцария элчихонасининг Швейцария ҳамкорлик бюроси ва «Соғлом авлод» хайрия жамғармаси ҳомийлигида ўтказиб келинаётган «Наврўз садолари» халқ чолғулари ансамбли ва оркестлари Халқаро фестивали ва унинг доирасидаги илмий анжуманлар (2001, 2015-2018) айнан мусиқа чолғулари ва ижрочилик масалалари мавзусига бағишланган. Шунингдек, ЮНЕСКО ҳамкорлигида ўтказилаётган «Шарқ тароналари» (1997-2019), «Бойсун баҳори» (2000-2005, 2017-2019), «Асрлар садоси» (2009-2013) мусиқа фестиваллари ҳамда Халқаро мақом (2018) ва бахшичилик (2019) анжуманида мусиқа чолғулари кўргазмалари ташкил этиб келинмоқда. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси томонидан тайёрланган ICHCAP (Корея) молиявий кўмагида ва ICAS ҳамкорлигида «Ўзбекистон номоддий маданий мероси»<sup>2</sup> (ўзб.,ингл.) китоби нашр қилиниб, унда мусиқа чолғулари номоддий маданий мероси сифатида алоҳида саҳифалар ажратилган.

Мусиқа чолғуларига оид назарий масалалар, уларнинг тарихий ривожланиши Э.Хорнбостель, К.Закс,<sup>3</sup> А.Бюхнер,<sup>4</sup> В.Бахман,<sup>5</sup> Б.Лоергрэн,<sup>6</sup>

<sup>2</sup> List of Intangible Cultural Heritage of Uzbekistan. ICHCAP, ICAS, National Commission of Uzbekistan for UNESCO – Тошкент: «Hilol Nashr MChJ» 2017. – Б.71

<sup>3</sup> Хорнбостель Э., Закс К. Систематика музыкальных инструментов. //Народные музыкальные инструменты и инструментальная музыка. Ч. 1. – Москва: 1987. – С. 229-261.

<sup>4</sup> Buchner A. Musical instruments in Wardel der Zeiten. – Berlin: 1968. – P.295.

С.Рой,<sup>7</sup> А.Шаъбони,<sup>8</sup> С.Фарходий,<sup>9</sup> Б.Хазрой,<sup>10</sup> О.Бочкарёва,<sup>11</sup> С.Кибирова,<sup>12</sup> М.Имханицкий,<sup>13</sup> И.Мациевский,<sup>14</sup> Р.Садоков,<sup>15</sup> Н.Хакимов,<sup>16</sup> М.Эшонкулов<sup>17</sup> каби хориж олимлари тадқиқотларида, ўзбек мусиқашунослигида В.Беляев, Н.Миронов, А.Фитрат, И.Ражабов, Ф.Кароматли, Р.Садоков, Т.Визго, Р.Абдуллаев, А.Малькеева, Ж.Расултоев, З.Мурадова, С.Бегматов, Ў.Тошматов, М.Абдукаримов, С.Болтазода ва бошқа олимлар илмий изланишларида тадқиқ қилинган. Аммо шу давргача мусиқа чолғулари, хусусан, миллий торли-урма чанг чолғусининг генезиси ва тадрижиёти умумлашган ҳолда ёритилмаган.

Арфасимон чанг чолғусини Р.Садоков археологик топилмаларга асосланиб, органология нуқтаи назаридан,<sup>18</sup> Т.Визго ёзма манбалар ва моддий маданий ёдгорликлар асосида,<sup>19</sup> А.Малькеева бурчакли арфанинг асосий турларини таҳлил қилган.<sup>20</sup>

Трапедиясимон чанг чолғуси ҳақида А.Эйхгорн «чанг-қизларнинг сеvimли чолғуси» дея қисқа таъриф бериб ўтган.<sup>21</sup> Н.Миронов бу чолғунинг локал намуналари (Хоразм чанги, Фарғона чанги),<sup>22</sup> В.Беляев эса унинг товушқатори ҳақида қисқача маълумотлар берган.<sup>23</sup> Ф.Кароматов,<sup>24</sup>

<sup>5</sup> Bachman W. Die Anfangedes Streich-instrumentenspiel. – Leipzig: 1946. – P.34-85.

<sup>6</sup> Лоергрэн Бо. Звуковые дары и геометрические фигуры. Ключи к терминологии древнего месопотамского Harps – Ирак: 1987. – С. 37-52.

<sup>7</sup> Silvain Roy. Afgan rubab, study on organology, history and musicology of Central Asia lute. Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Paris: 2018. – P.310.

<sup>8</sup> ۹۹۲ھ ۱۹۷۲ میل ۲۰۰۲ شيراز سال ۱۹۷۲ میل ۹۹۲ھ. Шаъбани А. Sazhaye-asil-irani. Б.Джафаров таржимаси. Т. 2. –Шероз: 1972. – Б.212.

<sup>9</sup> ۹۹۲ھ ۱۹۷۲ میل ۲۰۰۲ شيراز سال ۱۹۷۲ میل ۹۹۲ھ. www.fife.persianblog.ir.

<sup>10</sup> ۹۹۲ھ ۱۹۷۲ میل ۲۰۰۲ شيراز سال ۱۹۷۲ میل ۹۹۲ھ. Хазройи Б. Жўстижу-йэ пишани-йэ хўзур-э сантур дар мусиқи-йэ ирон // Фаслномэ-йэ мусиқи-йэ мохур, шўморэ-йэ. № 62. Б.Джафаров таржимаси. – Эрон: 2014. – Б.15.

<sup>11</sup> Бочкарёва О.А. Музыкальные инструменты Узбекистана и закономерности мелодики узбекской народной инструментальной музыки. Санъатшунослик фан. номз. автореферати. – Олма-Ота: 1969. – Б.18.

<sup>12</sup> Кибирова С. Музыкальные инструменты в традиционной культуре уйгуров. Автореферат на соискание ученой степени кандидата искусствоведения. – Ленинград: 1989. – С.25.

<sup>13</sup> Имханицкий М.И. История исполнительства на русских народных инструментах. – Москва: 2002. – Б.480.

<sup>14</sup> Мациевский И.В. Основные проблемы и аспекты изучения народных музыкальных инструментов и инструментальной музыки.// Народные музыкальные инструменты и инструментальная музыка Ч. 1. – Москва: Советский композитор, 1987. –С. 6-38.

<sup>15</sup> Садоков Р. Археологические источники в изучении музыкальной культуры древнего мира.// Народные музыкальные инструменты и инструментальная музыка. Ч1. –М.: Советский композитор, 1987. – С.137.

<sup>16</sup> Хакимов Н.Г. Таджикские музыкальные инструменты. (комплект из 6 книг) Таджикистаннаме // – Стамбул: 2012. – С.50.

<sup>17</sup> Эшонкулов М. Музыкальные инструменты в системе искусства макома. Диссертация на соискание ученой степени доктора искусствоведения. – Санкт-Петербург: 2016. СМИ. – С.174.

<sup>18</sup> Садоков Р. Музыкальная культура Древнего Хорезма. – Москва: Наука, 1970. – С.140.

<sup>19</sup> ВызгоТ.Музыкальные инструменты Средней Азии. Исторические очерки. – Москва: Музыка. 1980. – С.190.

<sup>20</sup> Малькеева А.Музыкальный инструментарий народов Среднего Востока в аспекте музыкально-исторических взаимосвязей. Диссертация на соискание ученой степени кандидата искусствоведения. – Ташкент: 1983. Библиотека Института искусствознания АН РУз. Инв. № 799. – С.208.

<sup>21</sup> Эйхгорн А.Ф. Музыкально-этнографические материалы (под ред. В.Беляева). –Ташкент: 1959. – С.448.

<sup>22</sup> Миронов С. Музыка узбеков. – Самарканд: 1929. – С.96.

<sup>23</sup> Беляев В. Музыкальные инструменты Узбекистана. – Москва: Гос.муз.издательство, 1933. – С.131.

<sup>24</sup> Кароматов Ф. Узбекская инструментальная музыка (наследие). –Ташкент: 1972. – С.359.

Ж.Расултоев<sup>25</sup> чанг чолғусининг айрим ижровий ва акустик хусусиятлари, А.Петросянц<sup>26</sup> ўша давр талабига мослаштирилган янги намунадаги чанг, унинг янгича ижро услублари ва оиладош турлари ҳақида тушунча берган. А.Одилов,<sup>27</sup> Ф.Шукурова,<sup>28</sup> А.Лутфуллаевларнинг<sup>29</sup> ўқув қўлланма ва мақолаларида ҳозирда истеъмолдаги ўзбек чанги ҳақида умумий (тузилиши, ижро услуги ва репертуар) маълумотлар бериб ўтилган.

Бу борада талайгина илмий ишлар қилинган бўлишига қарамай, ёзма манбаларда чанг деб юритилган чолғу қайси кўринишда (қадимий ёки замонавий) бўлгани аниқ баён этилмаган. Чангнинг ҳар икки кўринишини ёритувчи аниқ маълумотлар кам ва тарқоқ, баъзан ўта мунозарали. Бу чолғунинг генезиси, ҳозирги давргача етиб келган тарихий жараёни, қадимги ва замонавий кўпторли чолғуларнинг тадрижиёти ва ижро анъаналари каби масалалар охиригача ўз ечимини топмаган. Мазкур ҳолат бу мавзунини тадқиқ этишни тақозо этди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат консерваториясининг «Миллий ва жаҳон муסיқа санъати соҳасида профессионал кадрлар тайёрлашнинг илмий-ижодий принциплари» ва «Халқ чолғуларида ижрочилик» кафедрасининг «Чолғу ижрочилигида ёш созандаларни тайёрлашнинг халқаро-меъёрий масалалари» номли илмий тадқиқот мавзулари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Чанг ва чангсимон чолғуларнинг шаклланиш тарихи ва тараққиёти, уларнинг шакли, ижро анъаналари, истеъмолда бўлиши, «ўзбек чанг»ининг миллий хусусиятлари ва феноменини аниқлашдан иборат

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

арфасимон ва қонунсимон чолғуларнинг тарихий тадрижиётини ёритиб бериш;

«чанг» атамасининг маъносини талқин қилиш ва чанг чолғусининг шаклланиши ва тараққиётини илмий қарашлар билан умумлаштириш;

муסיқа чолғулари ва чолғу муסיқаси - маънавий маданият феномени сифатида илмий асослаб бериш;

торли-урма чанг чолғусининг ҳозирги ўзбек маданиятидаги аҳамиятини аниқлаш;

чанг ва чангсимон чолғуларнинг ўзига хос хусусиятлари, ижрочилик ва товуш садолантириш омилларини «чолғу—созанда—ижро» методологияси асосида таҳлил қилиш.

<sup>25</sup> Расултоев Ж.К.Бесписьменная дугарная исполнительская традиция узбеков. –Ташкент: 2004. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата искусствоведения.

<sup>26</sup> Петросянц А. Инструментоведение –Ташкент: Изд. Литературы и искусства им. Г.Гуляма, 1990. – С.133.

<sup>27</sup> Одилов А. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 216.

<sup>28</sup> Шукурова Ф. Чолғу ижрочилиги тарихидан (Харратовлар сулоласи) –Тошкент: 2005. – 29 б.

<sup>29</sup> Лутфуллаев А. Халқ чолғуларида ижрочилик. 1 китоб. – Тошкент: 2017. – 194б.



**Тадқиқотнинг объекти** сифатида чанг торли-урма чолғуси, унинг генезиси, чангсимон чолғуларнинг ривожланиши ва уларнинг ижтимоий аҳамияти танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** арфасимон ва торли-урма чолғуларнинг турлари, шакллари, конструкцияси, чанг ижро анъаналари ва ва услублари ҳамда моҳир созандаларнинг ижро мактабларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация мавзусини ёритишда тарихий, қиёсий ва тизимли-этнофоник усуллар қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ва Марказий Осиё мусиқа маданиятида кенг оммалашган чанг ва чангсимон чолғуларнинг юзага келиши, шаклланиши Шарқ ва Ғарб халқларининг маданий синтези асосида ривожланганлиги исботланган;

миллий чанг чолғусининг ижро анъаналари ва ҳозирги ўзбек мусиқа маданиятидаги ижтимоий мавқеи ва бадий (ижодкорлик ва ижрочилик) аҳамияти аниқланган;

чанг ижрочилиги ривожига ҳисса қўшган учта етук созанда (Ф.Содиқов, Ф.Ҳарратов, А.Одилов) ижро мактабларининг ўзига хос жозибадор ижро услублари аниқ далиллар билан асосланган;

замонавий чанг чолғусининг конструкциясига ўзгартишлар киритилган: чолғу қутисининг юқори қисми 4-5 см. кенгайтирилиб, торларни тортиб турувчи қулоқчалар остидаги ёғочлар бўйлама ва кўндаланг тарзда жойлаштирилган. Натижада чолғунинг товуш таровати майинлашган, соз ушлаш давомийлиги ошган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мусиқа чолғулари тадрижиётини тадқиқ қилиш натижасида олинган хулосалар мусиқий таълим жараёнида (бошланғичдан то олийгача) янги ўқув дастурлар, ўқув қўлланма ва дарсликларни яратишда маълумотлар манбаи сифатида хизмат қилди;

мусиқа чолғулари ва ижрочилик маданиятининг шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш негизида таълим тизимига моҳир ижрочиларнинг ижро услублари жорий қилинди;

созгар усталар учун *чанг* чолғусини такомиллаштириш бўйича янги тавсиялар ишлаб чиқилди;

тадқиқотнинг тарихий ва назарий хулосалари созанда, бакалавр, магистр ва докторантларнинг илмий изланишларида услубий қўлланма бўлди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Фойдаланилган илмий тадқиқот усуллари ва келтирилган таҳлилларнинг асослангани, саралаб олинган манбаларнинг репрезентативлиги ҳамда республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар, хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Илмий аҳамияти: белгиланган муаммоларни ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш санъатшунослик, этномусиқашунослик ва чолғушунослик соҳаларига (органология) муҳим ҳисса қўшади. Диссертациянинг назарий хулосалари торли-урма чанг ва чангсимон чолғулар ривожланишининг ижтимоий стратегиясини ишлаб чиқишда, мусиқа чолғулари ва чолғу мусиқаси кирган номоддий маданий меросининг оммалашиб боришида асос бўлиб хизмат қилади.

Амалий аҳамияти: диссертацияда баён этилган маълумотлар, уларни анъанавий ва кўповозли (композиторлик ижодиёти) ижрочиликда, шунингдек, созгар усталар ва миниатюра санъати мутахассисларининг амалиётида қўлланилиши мумкин. Тадқиқот доирасида ёритилган устоз созандаларнинг ўзига хос ижро услублари созандаларнинг ижрочилик маданиятида амалий кўмак беради. Ишлаб чиқилган илмий-амалий натижалар олий таълим тизимидаги бошқа ўқув фанларида ҳам фойдаланиш имконини беради. Шу билан бирга, тадқиқот хулосаларига асосан қадимги чанг чолғуси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан ташкил қилинган «Ислом цивилизацияси маркази»нинг мусиқа санъати бўлимида ва нуфузли музейлар экспонатлари қаторида ўрин олиши мумкин. Қолаверса, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа улуғ сиймолар ҳаётини ёритиб берувчи тарихий фильмларда бу чолғуни тасвирга тушириш имкони яратилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Чанг чолғусининг генезиси ва ривожланиш жараёнлари (чангсимон чолғулар мисолида) тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

чанг ва чангсимон чолғуларнинг ривожланиш жараёнларини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар «Тошкент» телерадиоканалининг «Тошкент вақти» кўрсатуви «Мусиқа ва илм» саҳифасида (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 25 июлдаги 01-17-588 сон маълумотномаси) фойдаланилган. Пировардида телетомошабинлар ўзбек чанг чолғусининг келиб чиқиши ва тараққиёти ҳақида билимларга эга бўлганлар;

чанг чолғусини такомиллаштириш жараёнига ва янги ижро услубларни яратилишига моҳир чанг ижрочиси А.Одиловнинг қўшган ҳиссаси Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» радиоканалининг 103,1 тўлқини «Виртуоз» эшиттиришида (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 5 июндаги О'з/К-1-108 сон маълумотномаси) фойдаланилган. Натижада радиотингловчилар замон талабига мослашган янги кўринишдаги чанг чолғусининг кенг ижро имкониятлари ҳақида маълумотга эга бўлиб, унинг биринчи тарғиботчиси А.Одиловнинг ижросидан баҳраманд бўлганлар;

моҳир ижрочилар (Ф.Содиқов, Ф.Ҳарратов, А.Одилов)нинг ижро анъаналари ва ўзига хос услублари ҳақида олинган натижалар А.Лутфуллаев муаллифлигида тайёрланган «Халқ чолғуларида ижрочилик (Чанг)» номли ўқув қўлланмасининг 1-бўлими («Чанг ижрочилиги назарияси ва тарихи»)

3-мавзусида («Чанг ижрочилик мактабларининг шаклланиши») фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 июлдаги 89-02-1663-сон маълумотномаси). Натижада устоз санъаткорларнинг ўзига хос ижро услублари ёш созандалар учун амалий кўникма бўлиб хизмат қилган;

чанг чолғусининг товуш тароватини яхшилаш борасида ишлаб чиқилган назарий ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги «Миллий чолғу» Илмий ишлаб чиқариш экспериментал лабораториясида ясалган чанг чолғусида (инв. № 2537. Уста Т.Мирзаев) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 29 декабрдаги № 01-11-10-8953-сон маълумотномаси). Натижада чанг чолғусининг соз ушлаш давомийлиги ошган, юқори регистр пардаларининг овози майинлашган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий, илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та илмий мақола, шулардан 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 141 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** тадқиқот масалалари шакллантирилиб, диссертация мавзусининг ҳозирги замон санъатшунослик илм-фани тараққиётидаги долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Маданий мерос ёдгорликларида чанг чолғуси**» икки бўлимдан (§1. **Торли чолғуларнинг шакллари.** (§2. **Арфасимон чанг чолғусининг тадрижи**) иборат бўлиб, мазкур бобда торли чолғуларнинг пайдо бўлиши, уларнинг қадимги шакллари, арфасимон ва чангсимон чолғуларнинг тараққиёти, ижтимоий аҳамияти маданий ёдгорликлар асосида ёритилган. «Чанг» атамасининг луғавий ва истилоҳий маънолари таҳлил қилинган.

Муסיқий чолғулари тадрижиёти давомида шаклан бир-бирига ўхшаш бўлмаган иккита чолғу чанг деб юритилган: 1) ўтмишда Ўрта Шарқ

халқларида машҳур бўлган арфасимон чанг, 2) ҳозирги замон мусиқа амалиётида қўлланиб келинаётган торли-урма чанг чолғуси. Мусиқа чолғулари трансформацияси, яъни бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиши инсон мусиқий тафаккурининг тадрижиёти билан боғлиқ бўлган.

Арфасимон чанг пайдо бўлишидан аввал, арфа кўпасрли тараққиётни бошидан кечирган. Илк арфалар яхлит ёғочдан ясашиб, уларнинг товуши у қадар баланд бўлмаган. Бундай чолғулар фақат ўз ҳис-туйғуларини товушларда ифодалаш учун мўлжалланган. Арфага бўлган қизиқишнинг ортиши ва тингловчилар доирасининг кенгайиб бориши натижасида, унинг жарангдорлик омилларини оширишга эҳтиёж сезилган ва чолғуга турли ашёлардан ясалган «резонатор» қутилар (товуш кучайтирувчи мослама) ўрнатилган. Ана шундай резонатор қутини Бисмайдаги Шумер<sup>30</sup> ибодатхонасидан «Созандалар юриши» мил.авв. IV-III минг йиллик) топилган қадимги арфада кўриш мумкин.

Расмда иккита арфа, зарбли ва карнайсимон кўринишдаги чолғулар, қарсак чалиб, рақсга тушаётган одамларнинг қисман сақланиб қолган оёқ ҳаракатлари тасвирланган. Арфанинг энли торларига қараганда унда куйлар ижро қилинмаган, балки турли баландликдаги товушлар қўлда чертиб турилган. Арфа ансамбль таркибига кирганидан сўнг, овози баланд бўлган дамли ва зарбли чолғуларнинг товушлар қоришмасида унинг овози эшитилмаган. Шундан сўнг арфа товуш омилларини ошириш мақсадида унинг торлари чўпда садолантириб кўрилган ва чўп ёрдамида товуш ҳосил қилиш услуги вужудга келган. Аммо чолғунинг қурилмаси, торларнинг тортилиш услуги ва созандаларнинг чўп ушлаш ҳолати арфа торлари чўп ёрдамида уриб эмас, балки чертиб садолантирилган дейишимизга асос бўла олади.

Қадимги давр маданий ёдгорликларида (Бобил саройи рельефи. мил.авв. IX аср, Оссурия, Ниневия, Эллам саройлари рельефи мил.авв. VII аср) чўпда ҳамда мураккаб комбинацияланган ижро услубда (бир вақтнинг ўзида қўл бармоқлари ҳамда чўпда) ижро қилаётган арфачиларнинг тез-тез учраб туриши, ўша даврларда арфа торларини садолантиришда турли ижро услублар қўлланилганини англатади. Шу билан бирга, чолғу конструкцияси анча такомиллашганини кузатиш мумкин. Хусусан, Шумер маликаси эхромидан (мил.авв. 2700 йиллик) топилган арфа бунинг далилидир. Ушбу чолғунинг конструкцияси физика нуқтаи назаридан пухта ишланган бўлиб, инсон мусиқий тафаккурида катта ўзгаришлар рўй берганини англатади. Эътиборли томони, арфада торларни соз ҳолатига келтирадиган қулоқчалар пайдо бўлган ва катта тўртбурчак резонатор қути ўрнатилган. Физика нуқтаи назаридан чолғунинг катта ҳажмдаги резонатор қутиси тор учун кенг тебраниш майдонини яратиб берган ва арфа ўзига хос тембр ва жозибадор овозга эга бўлган.

Бу албатта мусиқа чолғуларини ўша давр мусиқасига мослашиб боришининг натижасидир. Арфа резонатор қутисининг тараққий этиши

<sup>30</sup> Шумер давлати – Месопотамия (Жанубий Ироқ)да бир неча минг йиллар аввал ўтган давлат.

қутисимон чолғуларни пайдо бўлишига замин ҳозирлаган. Бу борада Дарвеш Али Чангийнинг мусиқий рисоласида келтирилган маълумот ўринлидир: «Афлотун чанг (арфа)ни ерга қўйиб, унинг суратини заминга туширган. Заминдаги суратга қараб, қонун шаклини олган».<sup>31</sup> Дарҳақиқат, мил. авв. IX-VII асрларга оид «Арфачилар юриши» расмида тасвирланган қадимги бурчакли арфаларга горизонтал ҳолатда қаралса, уларда қонун чолғусининг шакли намоён бўлади. Қонунсимон чолғулар арфа трансформациясининг ҳосиласи десак муболаға бўлмайди.

Қонунсимон чолғулар дастлаб Аҳамонийлар даврига (мил.авв.VI а.) оид маълумотларда келтирилган.<sup>32</sup> Ўша даврда бу чолғулар қандай кўринишда бўлгани бизга номаълум. Лекин Хитой маданий ёдгорликларидан топилган цинь чолғуси (мил.авв. VI аср) ўша замонда истеъмолда бўлган қонунсимон чолғуларнинг кўринишини тасаввур этишимизга ёрдам беради. Цинь узун яхлит ёғочдан ясалган бўлиб, унинг бир томони кенгрок, иккинчи томони энсизрок бўлган. «Суйшу», «Синтьтаншу», «Бейши» асарларида Суғд мусиқа чолғулари орасида резонатор кути устига турли узунликда торлар тортилган ётиқ кунхоу, цинь каби кўп торли чолғулар мавжуд бўлгани қайд этилган.<sup>33</sup> Бундай кўринишдаги чолғу Афросиёб деворий расмларининг бирида («Қайиқдаги сахна» VII-VIII аа.) топилган. Композицияда аслзода аёлга уд ва қонунсимон чолғуларида ижро этаётган созандалар ҳамроҳлик қилаётгани тасвирланган. Қисман кўришиб турган қонун чолғуси узун кутидан иборат бўлиб, унинг устки қопқоғи бўйлаб бешта тор тақилган. Ўрта аср мусиқа амалиётида бундай кўринишдаги чолғулар йотуғон, навҳи, анқо, муғанний, қонун каби номлар билан юритилган. Ижрочилик санъатининг тараққий этиши билан тўғри тўртбурчак, уч бурчак, трапеция шаклдаги нузҳа, шохруд, сантур каби турли шаклдаги қутисимон чолғулар пайдо бўлган.

Қути шаклидаги чолғуларнинг ижро этиш услублари ёзма манбаларда аниқ ёритилмаганлиги, берилган айрим таърифлар миниатюралардаги тасвирлар билан мос келмаганлиги сабабли мазкур чолғуларнинг тадрижиётини тўлиқ ёритиб бериш имкони чекланган. Айниқса торли-урма чолғулар масаласи, бироз мавҳум. Масалан, Қутбиддин Шерозий ўзининг «Дар илми мусиқий» рисоласида (XIII а.)<sup>34</sup> салавкийлар даври (мил.авв. 312-64 й.й.) мусиқа чолғуларини тавсифлаб, ҳозирги кунда торли-урма чолғуси бўлган сантурни торли чолғулар гуруҳига киритган, аммо унинг кўриниши, ижро услублари борасида сўз юритмаган. Эрон шоири Аҳмад ибн Қовус Домғаний Манучехрий «Девони Манучехрий» (XI а.) асарида сантур

<sup>31</sup> Дарвеш Али Чангий Ҳоқоний. Рисолаи мусиқий. Б.Ашуров таржимаси. – Тошкент: ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв. № 468. – Б.29<sup>а</sup>.

<sup>32</sup> Хакимов Н.Г. Музыкальная культура таджиков (древнейшая, древняя, раннесредневековая история) Книга II. – Худжанд: 2004. – С.153.

<sup>33</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – Москва: Издательство АН СССР. Т.2. 1950. – С.281.

<sup>34</sup> Дадажонов И. Қутбиддин аш-Шерозийнинг мусиқий таълимоти. Санъатшунослик номзоди бўйича диссертацияси. – Тошкент: 2002. Инв. № 982. – Б.164.

чолғусини бир неча бор тилга олса-да, унинг ташқи кўриниши ва товуш ҳосил қилиш услубини баён этмайди.<sup>35</sup>

Хитой манбаларининг бирида (Сима Цянь «Ши цзи» («Тарихий хотиралар»)) қайд қилинишича, «милоддан аввалги даврларда чўпларда ижро қилинган торли чолғуси («чжу») мавжуд бўлган, Тан сулоласи (618-907) даврида бу чолғу сарой оркестри таркибига киритилган».<sup>36</sup> Бошқа маълумотларга кўра «чжу» бармоқлар ҳамда чўп ёрдамида ижро қилинган. Демак, ўша даврларда сарой маросимларининг хусусияти ва ижро этилаётган куйнинг характериға қараб қонунсимон чолғулар бармоқ ёки чўп ёрдамида садоантирилган. Жарангдор товушларға бўлган талабнинг ортиб бориши билан чолғуга тортилган ичак торлар металл торлар билан алмашинган ва жуфт чўпларда ижро қилиш услуби қарор топгандан. Шундан сўнг торли-урма чолғулари юзага келган.

А.Фаминциннинг берган маълумотиға кўра, «салибчилар ўзининг охирги юришларида (1096-1219) бир қанча Шарқ мусиқа чолғулари билан танишган. Улар орасида учбурчак ёғоч қути устиға металл торлар тортилган ва жуфт чўпларда ижро қилинган *santir* (*pisantir*) чолғуси ҳам бўлган.»<sup>37</sup> Демак, бу даврда сантур жуфт чўпларда ижро қилинадиган торли-урма чолғу сифатида шаклланиб бўлган. Бундай кўринишдаги чолғулар турли халқларда псалтерий, цимбал, сантур, йочин ва бошқа номлар билан оммалашган. Хусусан, ўзбек мусиқа амалиётида бундай чолғу чанг деб юритилади.

Чанг торли-урма чолғуси сифатида Ўзбекистонға XIX асрнинг иккинчи ярмида истеъмолға кириб келган. Ўтмишда чанг арфасимон кўринишда бўлган. Чанг атамаси паҳлавий ва форсий тилларда «хам, эгри, эгик» маъноларини англатган.<sup>38</sup> Бурчакли арфалардан бирининг резонатори эгик бўлгани боис, у чанг деб номланган. Бу кўринишдаги чолғунинг тасвири дастлаб мил.авв. V асрга оид юнон гулдонида топиллиб, А.Бюхнер уни самбука (самбик) деб номлаган.<sup>39</sup> Марказий Осиёнинг Далварзинтепа (мил.авв. I – мил. II а.) ва айниқса, Афросиёб (мил.авв. I а.) қазилмаларидан кўп миқдорда арфа ушлаб турган тераккота ҳайкалчаларининг топилиши, Суғдда бу чолғу кенг истеъмолда бўлганидан далолат беради.<sup>40</sup> Аммо Эрон шоҳлари саройида яратилган ижодий муҳит ва ўша даврда ижод қилган Дилором Чангий, Ноқус Чангий (Нагисоний), Ромтин, Саркаш каби моҳир ижрочиларнинг бетакрор қобилияти туфайли чанг Эронда машҳур ва етакчи чолғулардан бириға айланган.

Чанг чолғусида ижрочилик тараққий этиши билан бу чолғу сарой

<sup>35</sup> Хазройи Б. Жўстижу-йэ пишани-йэ хўзур-э сантур дар мусиқи-йэ ирон // Фаслномэ-йэ мусиқи-йэ мохур, шўморэ-йэ. № 62. Б.Джафаров таржимаси. –Эрон: 2014.

<sup>36</sup> Аллендер И.З. Музыкальные инструменты Китая. – Москва: 1958. – С.27.

<sup>37</sup> Жинович И. Школа для белорусских цимбал. – Минск: 1948. – С.5.

<sup>38</sup> Рубинчик. Ю. Персидско-русский словарь. Т. 2. – Москва: 1985. – С.18.

<sup>39</sup> Вызго Т. Музыкальные инструменты Средней Азии. Исторические очерки. –Москва: Музыка, 1980. – С. 22.

<sup>40</sup> F.Karomatov, V.Meshkeris, T.Vyzgo. Musikgeschichte in Bildern. Band II Musik Des Altertums / Lieferung 9. – Leipzig: 1987. – P. 280.

маросимларининг кўркига айланган: мусиқий базмлар, тантанавор кечалар, овда («Тоғи-Бўстон» Эрон VI а.), ҳарбий ижро санъатида («Ҳарбий мусиқачилар» Уструшона VII а.), ёмғир ёғдириш, ҳосилга барака, мўл-кўлчилик сўраш маросимларида («Чанг чалаётган созанда ва раққосалар». Ўзбек қишлоқ. Қашқадарё вилояти VII а.), беморларни даволашда чанг садоларидан фойдаланилган.

Чангнинг товуш таровати Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Хусрав Дехлавийнинг «Қиръан ус-Садайн» (Чанг ҳақида маснавий)<sup>41</sup> асарида, Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр»<sup>42</sup> достонида, Хожа Қози Пайвандий Ризоийнинг «Қуш тили»<sup>43</sup> ва бошқа кўплаб адабий асарларда чанг садоси нақадар жозибадор тароватга ва сеҳрли кучга эга бўлгани хусусида таъриф бериб ўтилган.

XVI-XVII асрларда диний хурофот оқибатида дунёвий санъат, хусусан, мусиқага бўлган эҳтиёж анча заифлашиб, ички низолар кучайиб борган.<sup>44</sup> Ўша даврда юзага келган сиёсий муҳит маданият соҳасини ҳам четлаб ўтмаган. Манбаларда қайд этилишича, моҳир чанг ижрочиси Дарвеш Али умрининг охирида ночор аҳволда ҳаёт кечирган, унинг отаси Мирзо Алининг вафотидан сўнг чанг чолғусини яшаш хунарига барҳам берилган.<sup>45</sup> Табиийки, юзага келган вазият ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Эҳтимол бу даврга келиб замон талабига жавоб берадиган бошқа мусиқа чолғуларини кириб келиши чанг чолғусига бўлган эҳтиёжни пасайтирган ва у ўз ижтимоий аҳамиятини йўқотган. XVIII асрнинг иккинчи ярмида арфасимон чанг шарқ халқлари мусиқа амалиётидан буткул истеъмолдан чиқиб кетган. XIX асрнинг иккинчи ярмида кўп жиҳатдан ўхшаш бўлган торли-урма чолғуси (торларнинг кўплиги, товуш чиқариш услуби, жарангдор овози ва ҳ.к.) қадимги чолғу номини («чанг») тақлид қилиб олган. Мусиқа чолғулари тадрижиёти шуни кўрсатдики, чанг ўтмишда арфа шаклида бўлиб, бизнинг давримизга у торли-урма чолғу сифатида етиб келган.

Ижро маданиятининг тараққий этиши билан чолғуларда ижро услублари, конструкцияси ва шаклида ўзгаришлар рўй берган. Пировардида мусиқа чолғулари такомиллашиб, уларнинг турли шакл-шамойиллари яратилган ва янги ижро услублари шаклланган. Хусусан, замонавий чанг чолғусида қадимги чолғуларнинг конструкцияси (катта резонатор қути, ҳар бир тор битта товушни садолантириши, торларни тортиб турувчи қулоқчалар, чолғу шакли) ва ижро услублари (торларни қўл бармоқларида садолантириш, чўп ёрдамида чертиб ёки уриб товуш чиқариш ва ҳ.к.) ўз аксини топган. Бу эса мусиқа чолғулари бир-бирлари билан узвий боғлиқликда ва уйғунликда замон нафаси билан ҳамоҳанг тарзда тараққий

<sup>41</sup> Насуллаев З. Амир Хусрав Дехлавий асарларида мусиқа ҳақида маълумотлар. – Тошкент: 2010. – Б.28.

<sup>42</sup> Навоий А. Сабъаи сайёр. -Тошкент: 1991. – Б.393

<sup>43</sup> Мавлоно Хожа Қози Пайвандий Ризоий «Қуш тили» (қўлёзма). –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи қўлёзмалар фонди. Инв. №127. – Б.65.

<sup>44</sup> Маънавият юлдузлари. (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). – Тошкент: 1999. – Б.27.

<sup>45</sup> Қаранг: Рашидова Д. Дервиш Али Чанги и его трактат о музыке. с.ф.н. диссертацияси. – Тошкент: ЎзР ФА Санъатшунослик институти. Инв. № 449.

этганидан далолат беради. Муסיқий чолғулар ва ижрочилик санъатининг муштарак ривожланиши пировардида эса ўзига хос ижро анъаналари, турли ижро услублари шаклланган.

Диссертациянинг «**XIX-XX асрларда торли-урма чанг ва унинг таракқиёти**» деб номланган иккинчи бобида XX асрда Ўзбекистон муסיқа маданиятида рўй берган ўзгаришлар, яъни анъанавий муסיқага бўлган янги муносабатлар (миллий куй-қўшиқлар намуналарининг нотага ёзиб олиниши, янги нота тўпламларининг нашр этилиши, миллий меросимизнинг илмий ўрганилиши), кўповозли ижро жамоалари ва композиторлик ижодиётининг шаклланиши ёритилган. Шу билан бирга, ўзбек муסיқа амалиётига торли-урма чанг чолғусининг кириб келиши, халқ созандалари ва созгар усталар томонидан унинг такомиллаштирилиши ва бу чолғунинг ўқув муассасаларига жорий қилиниши илмий таҳлил қилинган.

Иккинчи бобнинг биринчи бўлимида «**Ўзбек муסיқа амалиётига чанг чолғусининг жорий қилиниши**» тадқиқ қилинган. XVI-XVII асрларда давлатлар ўртасида олиб борилган маданий ва иқтисодий алоқалар натижасида Мовароуннаҳрга торли-урма чолғуларни кириб келиши кузатилади: «*Бухоро ва Хива хонликлари билан дипломатик алоқаларни ўрнатган Россия тақдим этган совгалари орасида орган ва цимбал (чангсимон чолғу) ҳам бўлган*»;<sup>46</sup> «*Бухоро ва Туркия давлатлари орасида дипломатик муносабатлар ўрнатилиши натижасида Туркиядан сантур чолғуси кириб келган*»<sup>47</sup> (таржима бизники –Э.Г.). Аммо ўша даврда цимбал ва сантур чолғулари кўлланилгани ҳақида маълумотлар йўқ.

XIX асрларга келиб сантур чолғуси Хоразм шоҳи Ферузга Эрон элчилари томонидан инъом этилган.<sup>48</sup> Бироқ бу худудда ҳам чанг чолғуси оммалашмаган, балки сарой доирасида қолиб кетган. Тарихий маълумотларда ёзилишича, ушбу даврда Қўқон хони Мадалихон Фарғона водийси ва Қашқар орасида дипломатик алоқаларни ўрнатган.<sup>49</sup> Эҳтимол шу алоқалар натижасида уйғур чёнғ чолғуси Ўзбекистонга кириб келган. Ликошин ҳам «Пол жизни в Туркистане» («Ярим умр Туркистонда») асарида Тошкентда янги, нотаниш гусли, цимбалга ўхшаш кўп торли чолғуда ўз ижроси билан ҳаммани лол қолдирган тунганлик киши ҳақида ёзиб,<sup>50</sup> чанг чолғуси Қашқардан кириб келганига ишора қилади.

Қўқон ўша вақтда машҳур чолғучилар тўпланадиган марказга айлангани, водий халқи орасидан талайгина чанг ижрочилари етишиб чиққани ва Фарғона чангларининг дастлабки намуналари уйғур чёнғ чолғуси кўринишида бўлгани - бу чолғу дастлаб Фарғона водийсида, сўнг бошқа

<sup>46</sup> Векслер С. Прогрессивное значение присоединения Средней Азии к России для развития музыкальной культуры среднеазиатских народов. // Вопросы музыковедения. Вып. 2. – Ташкент: Фан, 1971. – С. 5.

<sup>47</sup> Рашидова Д. Дервиш Али Чанги и его трактат о музыке. Санъатшунослик фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент: 1982. ЎзР ФА Санъатшунослик институти. Инв. № 449. – Б.129.

<sup>48</sup> Миронов Н. Музыка узбеков. – Самарканд: 1929. – С.96.

<sup>49</sup> Алимов Б. XIX а. учинчи чорагида Туркистон ва Қошғар савдо алоқалари. // Ўзбекистон тарихи. 1/2005. – Б.5.

<sup>50</sup> Одилов А. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.21.



ҳудудларда оммалашганидан далолат беради.

Ўша даврда истеъмолда бўлган чанг чолғусига А.Фитрат куйидагича таъриф берган «*Бирга қўюлган икки ингичка чўп ё қамиш билан чалинадир. Ўн икки қатор тори бор, ҳар қаторида учтадан тор бўладир. Торли чолғуларнинг ҳаммасига қўшуладир. Жонли бир товуши бор.*»<sup>51</sup> Яъни чолғу қопқоғининг устида икки қатор олтитадан (6+6) харраklar кўндаланг ўрнатилган, ҳар бир товушни садолантириш учун учтадан тор тортилган, жами ўттиз олтита тори бўлган. Айнан уйғур чёнғи ўзбек мусиқа амалиётида чанг чолғусининг пайдо бўлишида муҳим ўрин тутди.

Шундан сўнг маҳаллий созандалар томонидан бу чолғу миллий ижро анъаналарига мослаштирилган. Яъни чолғуга етти поғонали диатоник товушқатор тизими жорий қилиниб, устки қопқоғи бўйлаб икки қатор (7+7) яхлит харраklar ўрнатилган. Созандалар Абдусамат Илёсов ва Ориф Қосимовнинг айтишларича, «*дастлаб чанг чолғусига бир хил диаметрли (0,25 мм.) торлар бўшироқ тортилиб, чап томондаги пастки энг қалин тор («ре» пардаси) «уч-қўл»*»<sup>52</sup> деб номланган. 1925 йилгача чанг торлари яланг ғарров чўпларда, сўнг учига мато ўралган чўпларда садолантирилган, 1935 йилдан кейин чўп учига резина найчалар тақиб ижро қилинган».<sup>53</sup>

Маълумки, товуш тебраниш манбаи уни зарбланиш воситасида вужудга келади, товуш чиқариладиган ашёнинг қаттиқ ёки юмшоқлиги, унинг садосини (чўзилувчанлиги, сўниш давомийлиги) белгилайди. Эски намунадаги чанг чолғуларида торларнинг бўш тортилиши ва қайишқоқ чўпларда ижро қилиниши натижасида унинг овози паст садоланган. Ижрочиликка бўлган талабларнинг ортиб бориши миллий чолғуларимизни шу жумладан, чанг чолғусини такомиллашувига туртки бўлган. Бу чолғу ўзбек мусиқа амалиётига жадал кириб бориши натижасида миллий чолғулар ансамбли таркибини янги тембр ва ижрочилик имкониятлари билан бойитди ва мос равишда халқ орасидан ушбу чолғунинг талайгина моҳир ижрочилари етишиб чиқди: андижонлик Ёқубжон чангчи, Собиржон Сиддиқов, Собиржон Худойбердиев, наманганлик Рўзимат Исабоев, кўқонлик Юсуфжон чангчи, марғилонлик Масаид ота, Асхар чангчи, Уста Олим Комилов, Солех Хўжа, Аҳрор Қори ва бошқалар. Улар чанг чолғусида ижро этиш сабоғини дастлаб, Худой Берди, Рамазон Охун каби қашқарлик созандалардан олиб, кейинчалик бу чолғунинг тарғиботига ўз ҳиссаларини қўшди.

Иккинчи бобнинг иккинчи бўлими «**Чанг чолғусини такомиллаштириш жараёнлари**» деб номланган. XX асрнинг биринчи ярмида ўзбек мусиқа маданиятида катта ўзгаришлар рўй берди. Миллий маданиятимиз умумжаҳон ютуқларидан озиклана бошлади, яъни ўша даврда фольклор ва этнография соҳаларининг ривожланиши, опера, балет, симфония каби янги жанрлар, анъанавий ва кўповозли ижро жамоаларининг кириб келиши кузатилди. Бу ўзгаришлар замирида санъат ва мусиқий таълим

<sup>51</sup> Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Тошкент: 1993. – Б.33.

<sup>52</sup> Уч қўл - (уч бармоқ қўйилиши) ўтмишда мусиқа чолғуларининг товуш баландлигини созлаш андазасининг анъанавий номи.

<sup>53</sup> Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги «Миллий чолғу» ИИЧЭЛ архиви.

давлат аҳамиятига эга бўлди. Тошкентда Туркистон халқ университети қошида Туркистон халқ консерваторияси (1918), Самарқанд, Фарғона (1919) ва Бухорода (1920) эса филиаллари очилди.

Халқ консерваториясига юклатилган асосий вазифа ёшларга махсус касбий билим бериш ва маҳаллий аҳолига замонавий мусиқа саводини ўргатишдан иборат бўлган. Бу ўқув юртига хонанда Шораҳим Шоумаров, дуторчи Абдусоат Ваҳобов, чангчи Исмат Лутфуллаев, танбурчи Шобарот Қаюмов ва бошқа халқ созандалари жалб қилинган. Ўтган асрнинг 20-йилларида Пўлатжон Раҳимов, Фахриддин Содиқов, Ниғматжон Дўстмухамедов, Маҳаматжон Расуловлар бундай ўқув юртида таҳсил олиб чиққан биринчи чанг ижрочиларидан ҳисобланадилар. Кейинчалик улар мусиқа маданиятига хусусан, чанг ижрочилиги санъати ривожига ўз хиссаларини қўшадилар.

Ушбу даврда миллий куй-қўшиқларимиз ва мусиқа чолғуларимиз А.Вамбери, А.Эйхгорн, Н.Ликошин, Н.Миронов, В.Беляев ва бошқа хорижий мутахассислар эътиборини тортади ва ушбу соҳа улар томонидан маълум даражада илмий нуқтаи назардан ўрганилади. Миллий мусиқа санъатининг тараққий этиши замирида турли кўринишдаги мусиқий жамоалар шаклланишини кузатиш мумкин. 1926 йилда илк «концерт – этнографик труппа»си, 1936 йилда республикада Ўзбек давлат филармонияси тасарруфида Т.Жалилов томонидан тузилган 98 кишилик «Этнографик ансамбли», 1939 йилда Юнус Ражабий ва Лутфихоним Саримсоқова ташаббуслари билан «дуторчи қиз-жувонлар ансамбли» (мусиқа раҳбари Ф.Содиқов) ташкил этилган.

Давлат миқёсидаги янги мусиқий жамоаларнинг ташкил қилиниши, янги дастурлар билан аҳолига маданий хизмат кўрсатиши, кенг омма олдида очик майдон ва далаларда концерт беришлари ижрочилик санъатини янги тараққий этишига туртки бўлди. Бироқ концертларда нисбатан мукамалроқ бўлган асарларни ижро этишда мусиқа чолғуларимизнинг товуш кўлами ва жарангдорлик омилларидаги камчиликлар сезила бошланди. Юзага келган вазият мусиқа чолғуларимиз камчиликларини (торларнинг сифатсизлиги, пардалар етишмаслиги, чолғу товушқатори ҳар бир асарнинг лад тузилишига мувофиқ қайта созланиши) бартараф этишни тақозо этди.

Мусиқа санъатининг тараққий этиши учун дастлаб уларнинг ҳолатини яхшилаш лозимлигини тушунган Шораҳим Шоумаров, Рўзимат Исабоев, Матюсуф Ҳарратов, Усмон Зуфаров, Уста Олим Комилов, Масаид Марғилоний каби ижрочилар ва созгар усталар миллий чолғуларимизнинг товуш жарангдорлигини ошириш мақсадида ўзларининг илк ҳаракатларини бошлаб юборадилар. Наманганлик созанда Рўзимат Исабоев бир қанча катта ҳажмдаги чанг чолғуларини ясаб, уларнинг ҳар бир товуши учун тўрттадан сим тортган. Чолғу товуш кўламини (диапазон) кенгайтириш мақсадида таниқли доирачи ва чангчи Уста Олим Комилов чанг товушқаторини (8+8) ўн олтитага (1928 й.), халқ созгар устаси Усмон Зуфаров (10+10) йигирма пардага (1934 й.) етказадилар. Хоразмлик созанда Матюсуф Ҳарратов

чангнинг юқори регистрига қўшимча пардаларни қўшиб, чолғу товуш кўламини кенгайтиришга муваффақ бўлган.<sup>54</sup>

Кейинчалик бу изланишларни Пўлатжон Раҳимов, Фахриддин Содиқов каби чанг ижрочилари давом эттирган. Вазият байналмилал куй-қўшиқларни ижро этишни тақозо қилгандан сўнг, чанг чолғусида товушларни етишмаслиги турли халқлар куйларини чалиш имкониятини чегаралаб қўйган. Улар ижро қилаётган қўшиқларида нотаниш товушларни эслаб қолиб, йўқ пардаларни ўз чолғусига қўшишга муваффақ бўлдилар. Халқ созандаларнинг изланишлари туфайли чанг чолғусининг ҳажми нисбатан ихчамлашди, торларни кўтариб турувчи яхлит ҳарраklar алоҳида ясалган ҳарраklar билан алмаштирилди ва чолғуга учта махсус калта оёқчалар (25 см.) ўрнатилди. Ҳозирги илм тилида чанг товушқатори температура қилинмаган хроматик товушқаторига деярли етказилди.

XX асрнинг 30-йилларида кўповозли ансамбл ва оркестр жамоаларнинг кириб келиши, композиторлик ижодиётининг шаклланиши ва нотага қараб ижро этиш тизимининг жорий қилиниши миллий чолғуларимизни қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Чанг чолғусининг кейинги такомиллаштириш ишлари 1934 йилда ташкил қилинган тажрибавий лабораторияда олиб борилди. Тажрибахонанинг конструктор ва созгар усталарининг саъй-ҳаракатлари билан миллий чолғуларимизга шу жумладани, чанг чолғусига ўн икки равон температурага асосланган тенг ярим пардали хроматик товушқатор жорий қилинди. Чолғунинг товушқатори бир октава кўтариб соzланди ва янги тартибда жойлаштирилди, товуш кўлами эса «g» кичик октавадан «g» учинчи октавага етказилди. Чанг жарангдорлик омилларини ошириш ва кенг ижро имкониятларини яратиш мақсадида турли диаметрда сифатли пўлат торлар тақилди, махсус учта узун оёқлар ва чанг садоларини вақт-вақти билан сўндириб туриш учун тепки (педаль) механизми ўрнатилди.

50-йиллар ўртасида такомиллашган чанг чолғуси асосида унинг оиладош турлари яратилди: чанг пиккало, чанг-прима, чанг-тенор ва чанг-бас. Ушбу омиллар ижрочиликка бўлган талабларни ўзгаришига, янги кўринишдаги кўповозли ансамбль ва оркестр жамоаларини шаклланишига, ижро санъатининг янги йўллариини ўзлаштиришга имкон яратди. Чанг ижрочилигининг тараққий этиши билан моҳир созандаларнинг ижро мактаблари шаклланди, чанг ижро дастури миллий мусиқа меросимиз билан бир қаторда, ўзбек композиторлар асарлари, жаҳон классик намуналари билан бойитилди. Бу чолғу таълим тизимига жорий қилиниши билан талайгина дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилди.

Олиб борилган тадқиқотда қуйидагилар аниқланди:

торли-урма чанг чолғуси Ўзбекистонга XIX асрнинг иккинчи ярмида Қашқардан кириб келган ва маҳаллий созандалар томонидан ўзбек куйларига мослаштирилган;

---

<sup>54</sup> Олимбоева К., Аҳмедов М. Ўзбекистон халқ созандалари. – Тошкент: 1959. – Б.89.

дастлаб бу чолғунинг такомиллашувиға халқ созандалари ўз хиссасини кўшган; композиторлик ижодиёти ва кўповозли ижро жамоаларини шаклланиши пировардида тажрибахона конструктор, созгар усталари чанг чолғусининг анъанавий андозаси асосида унинг янгича такомиллашган намунасини яратган;

янгича такомиллашган чанг чолғусида нафақат миллий куй-кўшиқлар, балки композиторлар ижодиётини ўзлаштириш, жаҳон мумтоз намуналари ва қардош халқларнинг нодир асарларини ижро этиш имкони яратилган;

бошқа халқлар чангсимон чолғуларидан фарқли ўлароқ, ўзбек чанги ҳам анъанавий, ҳам кўповозли ижро йўлларида, якканавозликда, ансамбль ва оркестр жамоаларида кенг қўлланиладиган ва ўз ўрнига эга бўлган чолғу сифатида қарор топди.

